Жамшид ибн Масъуд ибн Махмуд Гиёсуддин ал-Коший (кўпрок Гиёсуддин ал-Коший исми билан машхур) — XIV—XV асрда ўз фанининг билимдонлари — риёзиётчилар, табиблар ва хунармандлари билан шухрат козонган Кошонда тугилган. Унинг бобоси Махмуд ибн Яхъё ибн ал-Хасан ал-Коший хам ўкимишли бўлиб, 1411 йилда Шерозда риёзиёт ва астрологияга оид рисола — Искандарнинг (Амир Темурнинг набираси) гороскопини тузган. Гиёсуддин Кошийнинг таваллуд йили номаълум бўлса-да, у ёшлик йилларини Кошонда ўтказиб, риёзиёт ва фалакиёт илмига кизикиб, кадимги Греция, Эрон ва Марказий Осиёлик машхур олимларнинг асарларини таржима килиб, уларга шархлар ёзган. У табобат, мантик, хукукшунослик, адабиёт фанини яхши билган. Кейинчалик Коший Хиротта келиб, Шохрух саройида хизмат килган ва унга атаб «Элхон зиж»ини такомиллаштириш учун «Хокон Зижи» («Зижи Хоконий дар такмили «Зижи Элхоний») номли астрономик асарини битган. Унинг бу асари ўз давридаги астрономия сохасидаги энг етук асарлардан хисобланган.

Козизода Румийнинг маслахати билан Улугбек 1416 йили ал-Кошийни Самаркандга таклиф этган ва у хаётининг сўнгги йилларигача Самаркандда яшаб, тахминан 1429 йилда вафот этган.

Жамшид Коший XIV—XV асрнинг риёзиёт ва фалакиёт илмининг буюк алломаларидан бири сифатида ажойиб риёзиёт комуси — «Мифтох ал-хисоб» («Щисоб калити») асари билан Якин ва Ўрта Шарк мамлакатларида, шунингдек, Марказий Осиёда машхур эди. Ушбу асарда системали равишда баён этилган ўнли касрлар таълимоти ал-Кошийнинг юкори илмий ютукларидан бири эди.

Риёзиёт фанида такрибий хисоб усулини ривожлантириш бора-сида хам ал-Кошийнинг хизмати каттадир. Ушбу масалага у «Рисола ал-мухития» («Дойра хакида рисола»)сини багишлайди ва бу билан ўрта аср математикаси ривожига мухим хисса кўшди. Асарда 17 аник Унли белгига эга «Л» сонининг такрибий маъноси аслият услуби билан кўрсатиб берилган.

Мирзо Улугбек ўзининг «Зижи Кўрагоний» асарининг мукаддима-сида Коший мазкур асар устида иш бошлаган илк дафъада вафот этди, дсб маълумот беради. Коший араб тилини жуда яхши билган ва Улугбек «Зиж»ининг мукаддимасини арабчага ўгирган. Бу хакда мукаддима сўнггида шундай дейилади: «Мавлоно султон Улугбек ибн Султон Шохрух ибн Султон Темур Курагоннинг «Зиж»и тугатидци. У буни Самаркандда кузатган. Арабчага мавлоно ва алломалар шайхи, аллома Саййид Гиёсуддин Жамшид ўгирдилар». Демак, бундан кўринадики, Жамшид Коший Самарканддаги астрономик кузатишлар тугамасдан олдин казо килган бўлса хам, «Зиж»ни режалаштириш ва унинг назарий кисмининг тузилиш ишларида иштирок этган ва уни арабийлаштирган. Коший Улугбекка «Зиж»ни яратиш, расадхона куриш сохасини маслахатлар берганлиги ва бу ишларда иштирок этганлиги табиий голдир. Чунки Насириддин Тусийнинг «Зижи Элхоний»сини мукаммалаштириб, «Зижи Хоконий»ни ёзган Кошийга «зиж»ларнинг жумбоклари аввалдан маълум эди. Покистонлик олим Аббос Ризвий айт анидек, «Кошийнинг астрономия ва астрономик асбобларни, кадимги на якин ўтмишдаги астрономлар, айникса, Марога ва Шероз расадхоналари астрономлари ишларининг яхши билганлиги уни нодир бир шахсга айлантирганди».

Коший хижрий 814 (1411 — 1412) йилда ал-Чагминийнинг «Фалакиёт хакида кискартмалар» асарига ва 1413 йилда эса XIII асрнинг иккинчи ярмидаги самаркандлик

олим ва фалакиётчи Шамсуддин Мухаммад Самаркандийнинг «Ашкол ат-таъсис фи-л-хандаса» («Хандаса илмида шакллар асоси») геометрик рисоласига ўз шархларини чиккан.
Кошийнинг форс тилида отасига ётган мактубларида Улугбек ва унинг астрономик мактаби хакида кимматли маълумотлар учрайди.
Масалан, Кошийнинг 1421 йиллар атрофида Кошонга юборган мактубида Улугбек, Козизода Румий, Гиёсуддин Кошийнинг ўзи ва Самарканд мактабининг бошка олимларининг илмий фаолиятларига оид кизикарли маълумотлар хамда расадхона курилишига дойр лавхалар муфассаллиги билан диккатга сазовордир.
Гиёсуддин хатида Самарканд Марказий Осиёнинг маданий маркази сифатида Кошондан афзаллигини, Улугбекни эса кўзга кўринган давлат арбоби ва хукмдоргина эмас, балки йирик олим эканини тасвирлаб ўгади. Муаллифнинг Улугбек хакида келтирган ушбу далиллари бошка тарихий манбаларда учрайдиган Улугбек хакидаги маълумотларни, айникса, унинг етук аллома эканлигини анчагина тўлдиради. Самаркандда 1420 йилда курилган Мадраса илм-фаннинг нуфузли маркази бўлиб, унда Улугбекнинг ўзи маърузалар ўкиган. Мактуб ёзилган пайтида Улугбек 26—27 ёшларда бўлган ва ўта кизикиш би¬лан фалакиёт ва риёзиёт фанлари билан шугулланган. Коший ўз мак¬тубида Улугбекни фалакиёт сохасидаги фавкулодда кобилиятини кайд этиб, унинг «Насириддиннинг хотираномалари» («Тазкира»)сидан ва «Шох тухфаси» («Тухфа»)дан ўкиган ажойиб маърузаларини эслатиб ўтади. Гиёсуддин Улугбекнинг бекиёс хотираси хакида ёзаркан, у офтобнинг узунлигини даражалари ва дакикаларигача бўлган аникликда ёддан хисоблай олишини таъкидлаб ўтади. У Улугбекнинг мадрасаларда ва саройда ўтказиладиган катта илмий кенгашлардаги бахсларда фаол иштирок этишини ва шу муносабат билан Улугбекнинг устози Козизода Румийнинг исмини хам тилга олади ва уни энг маърифатли олим деб ажратиб кўрсатади. Гиёсуддин мактубида Улуг¬бекнинг хукукшуносликдаги ажойиб билимларини таъкидлаганки, бу хакда шу вактгача факатгина тахминлар килинган, холос.
Бундан шундай хулоса чикариш мумкинки, Алоуддин ал-Бухорий 1447 йили Абу Ханифа ан-Нўъмон ибн Собит ибн Зутанинг (767 йил¬да вафот этган) асарига ёзилган «Шарх ала-л-фикх ал-акбар» («Буюк фикх»га шарх)ини Улугбекка багишлангани бежиз эмас. Мактубдан яна шу нарса маълум бўладики, Абу Райхон Берунийнинг «конуни Масъудий» Улугбек ва унинг атрофидаги хамкорлари — Козизода Ру¬мий, Гиёсуддин Кошийнинг ўзи ва бошкалар учун доим керак бўладиган китоб хисобланган. Мазкур маълумотлар Самарканд мактаби¬нинг буюк олим Абу Райхон Беруний илмий мероси билан богликлигидан гувохлик беради.
Мактубда расадхона деворига ўрнатилган куёш соати хакида маълумот келтирилади. Вахоланки, Улугбек асарларида бундай соат мавжудлиги хакида бевосита таъкид йўк. Демак, Гиёсуддиннинг бу маълумотлари М. Т. Кори Ниёзийнинг Улугбекка багишланган «Улугбекнинг астрономик мактаби» асаридаги шундай соат бўлганлиги хакида тахминини тасдиклайди.
Мактубнинг форсча матни эрон олими М. Таботабоий (Эрон, 1940), турк олими Ойдин Сайилий томонидан инглиз ва турк (Анкара, 1960), Америкалик олим Э. Кеннеди томонидан инглиз (Рим, 1960), араб олими Ахмад Саъид Дамардош томонидан араб (Миср, 1963), тожик олимлари Г. Собиров ва Н. Бобоев рус (Душанбе, 1973), шунингдек, Тошкентда рус (1979) ва ўзбек (1996) тилларига таржима килиниб, нашр этилган. Бундан ташкари, Кошийнинг «Суллам ас-самават» («Осмонлар нарвони»), «Нузхат ал-хадойик»

(«Боглар сайри»), «Рисола ал-иатар алх-жайб» («Хорда ва синуслар хакида рисола») каби асарлари хам бизгача етиб келган ва бу асарлар Мовароуннахр илмий-адабий мухитига салмокли урин эгаллаган.
Кошийнинг Хирот, айникса, Самарканддаги илмий-тадкикотлари, унинг математика ва астрономия сохасида эришган ютуклари Темурийлар даврида Хурсон ва Мовароуннахрда маданий ривожланиш ва турли юртлардан келган олимларнинг эркин илмий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилганлигининг яна бир мухим далилидир.

Д. Юсупова